

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

61

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек меҳнат, аҳолини бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан назоратни самарали амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат, аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши масалалари бўйича ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан, шунингдек иш берувчилар ҳисобланадиган жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекциялари тўғрисидаги низомларини белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 19 февраль,
29-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 19 февралдаги 29-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза
қилиш бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Вазирликка меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида юкланган вазифалар Бошқарма томонидан бевосита ёки унинг қўйи турувчи Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекциялари орқали амалга оширилади.

4. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Вазирликнинг буйруқлари ва фармойишларига амал қилади.

5. Бошқарманинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларининг давлат ва хўжалик бош-

қаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда мулкчилик шаклларида ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, бошқа ташкилотлар, шунингдек иш берувчилар ҳисобланадиган жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

II. Бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

меҳнат шароитлари хавфсизлигини таъминлашда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга оид таклифларни ва барча ташкилотлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона талабларни ишлаб чиқиш;

ходимларни хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашда профилактика ишларини амалга ошириш ҳамда кўмаклашиш ва уларни меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ҳуқуқий ҳимоя қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳолини, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликлари сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасига Вазирликнинг кўрсатиб ўтилган йўналишларда амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги мунтазам ахборотини тайёрлаш;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш;

меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини сифатли аттестациядан ўтказиш юзасидан давлат назоратини амалга ошириш.

7. Бошқарма ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

7.1. Меҳнат шароитлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:

иш берувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан текширувни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади;

ходимларнинг яқка тартибда ва жамоавий ҳимоя қилиш воситалари ҳамда ишлаб чиқариш муҳитини назорат қилиш приборлари билан таъминланишини назорат қилади;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва аниқланган бузилишларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўради.

7.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга оид таклифларни ва барча ташкилотлар учун меҳнатни муҳофаза қилишдаги ягона талабларни ишлаб чиқиш соҳасида:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш материалларини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга оид таклифлар тайёрлайди;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мақсадли ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқади.

7.3. Ходимларнинг хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашда кўмаклашиш ва уларни меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳуқуқий химоя қилиш соҳасида:

иш берувчилар томонидан ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича тўловларнинг амалга оширилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади;

манфаатдор органлар билан ўзаро ҳамкорликда ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштиради;

мутахассисларни жалб этган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиши;

оммавий ахборот воситаларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга оширади.

7.4. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ҳолати ва уларнинг сабабларини таҳлил қилиш соҳасида:

ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликлари сабабларини таҳлил қилади ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқади;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширади;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сабабларини таҳлил қилади ва уларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

7.5. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш соҳасида:

меҳнатни муҳофаза қилишга доир амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни доимий равишда таҳлил қилади ва зарур ҳолларда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритади;

белгиланган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда, келишиш ва тасдиқлашда қатнашади.

7.6. Меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини сифатли аттестация қилиш юзасидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:

меҳнат шароитлари бўйича экспертиза амалга оширилишини назорат қилади ва унинг натижалари бўйича хулоса беради;

меҳнат шароитлари ва ускуналарнинг шикастлаш хавфлилиги бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказадиган юридик шахсларни аккредитация қилиш, шунингдек уларнинг мутахассисларини меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқитади ва аттестациядан ўтказиши.

III. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишнинг аҳволини ўрганиш ва текшириш;

ўз ваколатларини амалга оширишни таъминлаш мақсадида ташкилотлар ва ходимлардан ахборотлар, маълумотлар ва тушунтиришлар сўраш ва олиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш масалаларига тегишли бўлган ҳужжатлар ва бошқа материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрганиш;

мансабдор шахслардан аниқланган меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф қилишни, текшириш вақтида бирорта иншоотда, асбоб-ускунада ёки меҳнатни ташкил қилишда аниқланган қоида бузишлар ва камчиликлар ходимларнинг соғлиғига ва хавфсизлигига хавф туғдирса, уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўришни талаб қилиш;

ходимларнинг соғлиғи ёки ҳаётига хавф туғдирадиган меҳнат хавфсизлиги талабларининг бузилиши аниқланганда айрим ишлаб чиқаришларни ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни белгиланган тартибда тўхта-тиб туриш;

ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, йўл қўйилган қоида бузилишларни бартараф этиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш ҳақида ёзма кўрсатма бериш (ушбу Низомга 1-илова);

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари ҳақида протоколни ва белгиланган шакл бўйича (ушбу Низомга 2 ва 3-иловалар) меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши учун жарима солиш ҳақидаги қарорни расмийлаштирган ҳолда айбдор мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш;

юқори ташкилотга меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган ташкилотлар ва мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриш тўғрисида таклифлар билан меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш ва уларнинг вужудга келишига имкон яратувчи шароитлар ҳақида тақдимнома киритиш;

ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш бинолари, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томошагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириш учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув транспортларидан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, барча турдаги шахар ва шахар атро-

фида йўловчи ташиш транспортдан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиш учун ногиронларга шароитлар яратиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни бажармаганлиги учун ташкилотга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима солиш;

ташкилотлар томонидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича белгиланган қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

ташкилотларда меҳнат шароитларини экспертиза қилиш ва белгиланган шакл бўйича хулоса бериш (ушбу Низомга 4-илова);

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирликка киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги норматив-техник ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш бўйича таклифлар киритиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда янги ва реконструкция қилинадиган объектларни қабул қилиш давлат комиссиялари ишида қатнашиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус текширишлар ўтказиш ёки текширишларда қатнашиш;

ташкилотларнинг раҳбар ходимлари ва мутахассисларини меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича аттестациядан ўтказиш юзасидан республика имтиҳон комиссиялари ҳамда давлат ва хўжалик бошқарув органлари ишида иштирок этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқишдан, йўриқномалар ва билимларни текширишдан ўтмаган шахсларни ишдан четлатиш тўғрисида таклифлар киритиш;

меҳнат шароитлари ва ускуналарнинг шикастлаш хавфлилиги бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказишни амалга ошириш соҳасидаги юридик шахсларни аккредитациядан ўтказиш;

ходимларни соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари билан таъминлаш масалалари бўйича ходимлар ва меҳнат муносабатларининг бошқа субъектлари мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда ходимлар (фуқаролар) мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича зарур материалларни сўраш ва олиш.

Бошқарма Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

9. Бошқарманинг мансабдор шахслари ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши юзасидан жавоб берадилар.

IV. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

10. Бошқарманинг тузилмаси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан, ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида тасдиқланади.

11. Бошқармани Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, айти бир вақтда Ўзбекистон Республикаси бош давлат меҳнат техник инспектори ҳисобланадиган бошқарма бошлиғи бошқаради.

12. Бошқарма бошлиғининг бир ўринбосари бўлади. Бошлиқ ўринбосари айти бир вақтда меҳнат шароитлари бўйича бош давлат эксперти ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Бошқарманинг бош мутахассислари тегишли равишда Вазирликнинг давлат меҳнат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари ҳисобланадилар.

14. Бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари ва мутахассиси лавозимга олий техника маълумотига ҳамда мутахассислиги бўйича камида 3 йил иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

15. Бошқарма инспекцияларнинг ҳар чораклик ҳисоботларини қабул қилади, таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда Вазирлик раҳбариятига тегишли ахборот тайёрлайди.

16. Бошқарма бошлиғи ўз ваколати доирасида:

Бошқарма ва инспекцияларга раҳбарлик қилади, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Вазирлик ва инспекцияларнинг давлат меҳнат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари экспертларининг илгари берилган ёзма кўрсатмалари, тақдимномалари, қарорлари ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқади, ўзгартиради ва бекор қилади;

Бошқарма ва инспекциялар ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

давлат меҳнат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари экспертларининг билим даражаси ва малакасини доимий равишда ошириб бориш чоратадбирларини кўради;

Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, унга берилган ҳуқуқлар ва юкланган мажбуриятларнинг зарур даражада амалга оширилиши учун жавоб беради.

17. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида:

инспекцияларнинг меҳнат шароитлари бўйича экспертлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

ташкilotлар буюртманомаларига биноан, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш материаллари асосида меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини экспертиза қилади;

меҳнат шароитларини экспертиза қилиш соҳасида Бошқармага юкланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

давлат меҳнат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари экспертларининг билим даражаси ва малакасини доимий равишда ошириб бориш чоратадбирларини кўради;

меҳнат шaroитларини экспертиза қилиш соҳасида Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ўзига берилган ҳуқуқлар ва юкланган вазифаларнинг зарур даражада амалга оширилиши учун жавоб беради.

18. Бошқарманинг ўз фирма бланкаси бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза
қилиш бошқармаси тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза
қилиш бошқармаси**

Кимга _____

(корхона номи, раҳбарнинг Ф.И.О.)

20__ йил «___» _____даги
-сон ЁЗМА КЎРСАТМА

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ қуйидаги тадбирларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қиламан:

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати

Ёзма кўрсатмада кўрсатилган муддат тугагандан кейин унинг бажарилганлиги тўғрисидаги ёзма ахборотни қуйидаги манзилга юборишингизни сўрайман:

(бош) давлат меҳнат техник инспектори/
меҳнат шaroитлари бўйича давлат эксперти

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ёзма кўрсатмани олдим:

20__ йил «___» _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ёзма кўрсатмани бажариш натижалари: _____

(бош) давлат меҳнат техник инспектори / меҳнат шaroитлари бўйича давлат эксперти

_____ йил «_____» _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Изоҳ. Ёзма кўрсатманинг муддатида бажарилмаганлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза
қилиш бошқармаси тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза
қилиш бошқармаси**

**Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун
ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисида**

-сон ПРОТОКОЛ

20__ йил «_____» _____ (протокол тузилган жой)

Ушбу протокол (бош) давлат меҳнат техник инспектори (ёки меҳнат шaroитлари бўйича давлат эксперти) _____ томонидан
(инспекторнинг Ф.И.О.)

_____ да
(корхона номи)

_____ (мансабдор шахснинг Ф.И.О, лавозими)

_____ (меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ва

_____ содир этилган жойи, вақти, модда ва бандлари кўрсатилган ҳолда)

_____ гувоҳ ва жабрланувчининг фамилияси, манзиллари, етказилган зарар суммаси (агар бўлса)

_____ қонун бузилганлиги тўғрисида тузилди.

Ушбу мансабдор шахсга йўл қўйилган қонун бузилишлари тўғрисида қуйидаги тушунтиришлар берилди: _____

20__ йил «___» _____
(имзо) (Ф.И.О.)

(Бош) давлат меҳнат техник инспектори (ёки меҳнат шароитлари бўйича давлат эксперти)нинг қарори: _____

20__ йил «___» _____
(имзо) (Ф.И.О.)

20__ йил «___» _____
(имзо) гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг Ф.И.О.,
(агар бўлса)

Изоҳ: Протокол уч нусхада тузилади: бир нусхаси ташкилот раҳбарига, иккинчиси — қонун бузилишини содир этган мансабдор шахсга берилади, учинчиси — (бош) давлат меҳнат техник инспектори (ёки меҳнат шароитлари бўйича давлат эксперти)да қолади.

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза
қилиш бошқармаси тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза
қилиш бошқармаси**

**Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
бузилганлиги учун жарима солиш тўғрисида**

20__ йил «___» _____даги

-сон ҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 225-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисидаги низом асосида:

_____га
(мансабдор шахснинг Ф.И.О., уй манзили)

_____ (лавозими, ташкилот номи)

(қонун бузилишининг қискача мазмуни)

_____ миқдорида жарима солинсин.

Жарима қўйидаги ҳисоб рақамига ўтказилсин _____

_____ (қарорни тузган мансабдор
шахснинг лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Қарорни олдим:

20__ йил «__» _____
_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Изоҳлар:

Жарима солиш тўғрисидаги қарор уч нусхада тузилади. Биринчи нусхаси — жарима солинган шахсга, иккинчи нусхаси — ташкилотга, агар жарима ташкилот раҳбарига солинган бўлса — унга мутасаддилик қиладиган юқори ташкилотга берилади. Учинчи нусхаси — қарорни тузган мансабдор шахсда қолади.

Жариманинг тўланиши тақдимномани ва (ёки) ёзма кўрсатмани бажариш мажбуриятидан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан озод қилмайди.

Қарорнинг бажарилганлиги тўғрисида вазирликнинг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармасига хабар қилинади.

Жарима солиш вақтида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар, шу жумладан жарима солиш тўғрисидаги қарор юзасидан шикоят бериш (эътироз билдириш), шикоятни (эътирозни) кўриб чиқиш, қарор ижросини вақтинча тўхтатиб туриш, қарорни бажариш тартиби ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси
Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлигининг Мехнатни муҳофаза
қилиш бошқармаси тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлигининг Мехнатни муҳофаза
қилиш бошқармаси**

(иш жойи ёхуд иш тури, касб, лавозим, участка, цех, ишлаб чиқариш ва ташкилотнинг аниқ номи кўрсатилади)

20__ йил «__» _____даги

-сон ХУЛОСА

(ўтказилган экспертиза тури кўрсатилади)

_____дан _____гача ўтказилган меҳнат шaroитлари экспертизаси ва тақдим этилган ҳужжатлар (рўйхати илова қилинади) асосида қуйидагилар аниқланди:

1. _____
(ҳодимларга ушбу иш жойида ёки ушбу касби, иш тури, лавозими бўйича берилган имтиёзлар ва
_____компенсациялар ва уларнинг меҳнат шaroитларига, шу жумладан берилётган барча турдаги имтиёзлар ва
_____компенсациялар ҳамда уларни бериш асослари)
2. _____
(бузилган қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар кўрсатилган ҳолда амалдаги нормалар ва
_____нормативлардан аниқланган четга чиқишлар ёхуд мазкур экспертиза тури бўйича амалдаги қонун
_____ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари)

3. Хулоса ва қарорлар:

(ўтказилган экспертиза якунларига кўра меҳнат шaroитлари бўйича давлат эксперти томонидан тегишли

_____ҳужжатлар асосида қабул қилинган хулосалар ва қарорлар баён қилинади)

_____ (хулосани тузган мансабдор шахс)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 19 февралдаги 29-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ
инспекцияси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясининг (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) мақоми, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Инспекция Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш соҳасида Вазирликка юкланган вазифалар Инспекция томонидан бевосита ёки қўйи турувчи Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади) инспекциялари орқали амалга оширилади.

4. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Вазирликнинг буйруқлари ва фармойишларига амал қилади.

5. Инспекциянинг меҳнат ва аҳоли бандлиги масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларининг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, бошқа ташкилотлар томонидан, шунингдек иш берувчи ҳисобладиган жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

II. Инспекциянинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қўйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:
меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;
меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатга оид муносабатлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

меҳнат, аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланишини таъминлаш ҳамда меҳнатга оид муносабатларни, меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларида тақиқланган мажбурий меҳнатни ҳамда меҳнатга оид муносабатлар соҳасидаги камситишларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик;

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши бўйича ахборот-тушунтириш ва ҳуқуқий тарбия ишларини амалга ошириш.

7. Инспекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

7.1. Меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:

ташкilotлар томонидан меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

меҳнат тўғрисидаги келишувлар ва локал ҳужжатларнинг, иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатлар масалалари бўйича буйруқларининг меҳнатга доир қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таҳлил қилади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади.

7.2. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатга оид муносабатлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида:

меҳнатга оид муносабатлар субъектларининг, шу жумладан касаначилик шароитларида меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ходимларнинг ҳамда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамол боқишга ётган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

аниқланган меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва имкон яратган шарт-шароитларни бартараф этиш учун ҳуқуқий таъсир чораларини кўради;

касаба уюшмаларига ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида уларга берилган ҳуқуқларни амалга оширишда ёрдам беради, шунингдек иш берувчиларнинг уларга риоя этишларини назорат қилади;

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан ташкilotлар ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади.

7.3. Меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланишини таъминлаш ва меҳнатга оид муносабатларни, меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш соҳасида:

ўтказилган меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш ҳолатини ўрганиш ва текшириш яқунлари бўйича тегишли ахборот тайёрлайди ҳамда белгиланган тартибда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирига тақдим этади;

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммоли жиҳатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини ҳамда меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш ҳолати бўйича текширувлар материалларини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

меҳнатга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари бўйича хорижий тажрибани ўрганади ва таҳлил қилади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикасида қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклифлар тайёрлайди.

7.4. Қонунда тақиқланган мажбурий меҳнат ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасидаги камситишларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик соҳасида:

айрим тоифадаги ходимлар (аёллар, вояга етмаганлар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари, ногиронлар, Ҳарбий Кучлар сафларидан бўшатирилганлар ва бошқалар) учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларига риоя этилишини назорат қилади;

мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ва камситишнинг аниқланган ҳар бир ҳолати бўйича ҳуқуқий таъсир чораларини кўради ва қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари тўғрисида тегишли давлат ҳокимияти органларини хабардор қилади.

7.5. Меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши бўйича ахборот-тушунтириш ва ҳуқуқий тарбия ишларини амалга ошириш соҳасида:

ташкилотлар мутахассислари ва аҳоли учун семинарлар, тренинглар ва давра суҳбатлари ўтказиши;

оммавий-ахборот воситаларида ва аҳоли ўртасида меҳнат ҳуқуқи муносабатлари ҳамда меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга оширади.

III. Инспекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Инспекция қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкилотларда меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўрганиш ва текшириш ўтказиш;

ўз ваколатларини амалга оширишни таъминлаш мақсадида ташкилотлар ва ходимлардан ахборотлар, маълумотномалар ва тушунтиришларни сўраш ва олиш;

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш масалаларига тегишли бўлган ҳужжатлар ва бошқа материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрганиш;

ўз ваколатлари доирасида мансабдор шахслардан аниқланган меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари бартараф этилишини талаб қилиш;

ташкilotларнинг меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид бўлган буйруқлари ва бошқа ҳужжатларининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш, зарур ҳолларда эса белгиланган тартибда уларни бекор қилиш бўйича Вазирликка таклиф киритиш;

ташкilotлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш (ушбу Низомга 1-илова);

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги протоколни ҳамда меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги юзасидан жарима солиш тўғрисидаги қарорни белгиланган шакллар бўйича (ушбу Низомга 2 ва 3-иловалар) расмийлаштирган ҳолда айбдор мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш;

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган ташкilotлар ва мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриш тўғрисидаги таклифлар билан меҳнат, аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва имкон яратган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида юқори ташкilotлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдимномалар киритиш;

ташкilotга меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарималар солиш чораларини кўриш;

ташкilot ва ходим (ходимлар) ўртасидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш;

амалдаги меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирликка киритиш;

ходимлар ва бошқа меҳнатга оид муносабатлар субъектларининг меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли қисми бўйича мурожаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

ходимлар ва бошқа меҳнатга оид муносабатлар субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқишда иштирок этиш учун ташкilotларни (уларнинг вакилларини) таклиф этиш.

Инспекция Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

9. Инспекциянинг меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилувчи мансабдор шахслари ўз ваколатларини амалга оширишда:

давлат органларидан мустақилдирлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонун ҳужжатларига амал қиладилар;

фуқароларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ҳамда бошқа ахборотларни, агар бу фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйса, ошқора қилишга йўл қўймасликка мажбурдирлар.

10. Инспекциянинг мансабдор шахслари ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

IV. Инспекция фаолиятини ташкил этиш

11. Инспекциянинг ташкилий тузилмаси Вазирликнинг, ҳудудий бошқармаларнинг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларидан иборат бўлади.

12. Инспекциянинг тузилмаси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан, белгиланган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида тасдиқланади.

13. Қўйидагилар меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга оширадилар:

айни бир вақтда Вазирликнинг бош давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори ҳисобланадиган Инспекция бошлиғи;

Вазирликнинг давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори ҳисобланадиган Инспекция бош мутахассислари;

тегишли ҳудудий бошқарманинг бош давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори ҳисобланадиган ҳудудий бошқарманинг Инспекция бошлиғи;

тегишли ҳудудий бошқармаларнинг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари ҳисобланадиган ҳудудий бошқармалар Инспекциясининг бош мутахассислари;

туманлар (шаҳарлар) Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари.

14. Инспекцияга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Вазирликнинг (бош) давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори лавозимига олий юридик маълумотга ва мутахассислиги бўйича камида уч йил иш стажига эга бўлган шахс тайинланиши мумкин.

15. Инспекция ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан тасдиқланадиган иш режалари асосида амалга оширади.

16. Вазирлик Инспекцияси бошлиғи:

ҳудудий бошқармаларнинг барча қўйи инспекцияларига раҳбарликни амалга оширади, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларининг илгари берган ёзма кўрсатмалари, тақдимномалари, қарорлари ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқади, ўзгартиради ва бекор қилади;

давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларининг билимлари даражасини ва малакасини доимий равишда ошириш чора-тадбирларини кўради;

Вазирликнинг буйруқлари, фармойишлари ва кўрсатмаларининг зарур даражада бажарилишини таъминлайди;

ўз ваколати доирасида қўйи ҳудудий бошқармаларнинг инспекциялари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар ва топшириқлар беради;

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашга доир масалаларни Вазирлик ҳайъатига кўриб чиқиш учун киритади;

Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, унга берилган ҳуқуқлар ва юкланган мажбуриятларнинг зарур даражада амалга оширилиши юзасидан жавоб беради.

17. Ҳудудий бошқармалар инспекциялари ушбу ҳудудий бошқармаларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланади, уларга Инспекция бошлиғи билан келишган ҳолда тегишли ҳудудий бошқармалар раҳбарлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган инспекциялар бошлиқлари (бош инспекторлар) раҳбарлик қиладилар.

Ҳудудий бошқармаларнинг (бош) давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари лавозимига олий юридик маълумотга ва мутахассислиги бўйича камида уч йил иш стажига эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин.

18. Ҳудудий бошқармалар инспекциялари бошлиқлари тегишли ҳудудлар доирасида:

ҳудудий бошқармалар ҳамда туманлар (шаҳарлар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларига раҳбарлик қиладилар, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирадилар;

қўйи давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларининг илгари қабул қилинган ёзма кўрсатмалари, тақдимномалари, қарорлари, шунингдек бошқа ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда уларни ўзгартириш ва бекор қилиш ҳуқуқига эгадирлар;

Вазирликнинг, Инспекциянинг кўрсатмалари, ҳудудий бошқармалар раҳбариятининг буйруқлари, фармойишлари ва талабларининг зарур даражада бажарилишини таъминлайдилар;

ўз ваколатлари доирасида туманлар (шаҳарлар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар ва топшириқлар берадилар;

ҳудудий бошқармалар инспекцияларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавоб берадилар;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва юқори органлар қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни бажарадилар.

19. Ҳудудий бошқармалар инспекциялари Инспекцияга белгиланган тартибда ўз фаолияти тўғрисида ҳар ойлик ва чораклик ҳисоботлар тақдим этадилар.

20. Туманлар (шаҳарлар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимо-

ий муҳофаза қилиш марказлари давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари тегишли Худудий бошқарма инспекцияси бошлиғи билан келишган ҳолда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори лавозимига олий юридик маълумотга ёки мутахассислиги бўйича камида икки йил иш стажига эга бўлган ўрта махсус, профессионал юридик маълумотга эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин.

21. Туманлар (шаҳарлар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари тегишли туманлар (шаҳарлар) доирасида:

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунларга риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга оширадилар;

Вазирликнинг, Инспекциянинг кўрсатмалари, худудий бошқармалар ҳамда туманлар (шаҳарлар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари раҳбариятининг буйруқлари, фармойишлари ва талабларининг зарур даражада бажарилишини таъминлайдилар;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва юқори меҳнат ҳуқуқ инспекторлари қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни бажардилар.

22. Туманлар (шаҳарлар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари тегишли юқори Худудий бошқарма инспекциясига бажарилган ишлар тўғрисида ойлик ва чорақлик ҳисоботларни белгиланган тартибда тақдим этадилар.

23. Меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга оширадиган Инспекциянинг мансабдор шахслари Вазирлик томонидан тасдиқланган ягона намунадаги гувоҳномага эга бўладилар.

Вазирликнинг ва худудий бошқармаларнинг (бош) давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларига хизмат гувоҳномалари Вазирлик томонидан берилади.

Туманлар (шаҳарлар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларига хизмат гувоҳномалари тегишли худудий бошқармалар томонидан берилади.

24. Хўжалик юритувчи субъектларни текширишларга рухсат бериш тўғрисидаги белгиланган намунадаги гувоҳномалар барча (бош) давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларига тегишли аттестация натижаларига кўра Вазирлик томонидан берилади.

25. Инспекциянинг ўз фирма бланкаси бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
 Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
 қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ
 инспекцияси тўғрисидаги низомга
 1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини
 ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг
 Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси**

ЎЗМА КЎРСАТМА

_____ вилоят, туман (шаҳар)

 ташкилоти раҳбарига

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
 вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисидаги низомга асо-
 сан қуйидагилар бажарилишини талаб қиламан:

_____ (мансабдор шахс томонидан бажарилиши лозим бўлган аниқ ишлар кўрсатилади)

Мазкур ёзма кўрсатманинг бажарилиши тўғрисида 20____ йил
 «__» _____ гача қуйидаги манзилга хабар берилсин: _____

Ёзма кўрсатма юзасидан у тақдим қилинган кундан бошлаб 10 кун муд-
 датда юқори Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига ёки судга шикоят қилини-
 ши мумкин.

**(Бош) Давлат меҳнат
 ҳуқуқ инспектори**

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Ёзма кўрсатмани олдим:

_____ (мансабдор шахс имзоси) _____ (Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

Ёзма кўрсатмани бажариш натижалари: _____

**(Бош) Давлат меҳнат
ҳуқуқ инспектори**

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

Изоҳ. Ёзма кўрсатманинг муддатида бажарилмаганлиги қонун ҳужжат-ларидан назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ
инспекцияси тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ
инспекцияси**

**Меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун
ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида
ПРОТОКОЛ**

20__ йил «__» _____

_____ (протокол тузилган жой)

Ушбу протокол давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори _____
(инспекторнинг Ф.И.О.)

_____ ТОМОНИДАН _____
(ташкilot номи)

_____ НИНГ

_____ (мансабдор шахснинг лавозими, Ф.И.О.)

_____ (қонун бузилишининг содир этилган жойи, вақти ва мазмуни, қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат бузилган)

_____ гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг фамилияси, манзиллари, етказилган моддий зарар суммаси (агар бўлса)

Ушбу мансабдор шахс томонидан йўл қўйилган қонун бузилишлари тўғрисида тушунтиришлар: _____

20__ йил «___» _____ (мансабдор шахснинг имзоси) _____ (Ф.И.О.)

Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторининг хулосаси:

**Давлат меҳнат
ҳуқуқ инспектори**

20__ йил «___» _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

20__ йил «___» _____ (имзо) _____ (гувоҳлар ва жабранувчиларнинг (агар бўлса) Ф.И.О.)

Изоҳ. Протокол уч нусхада тузилади: бир нусхаси ташкилот раҳбарига, иккинчиси — қонун бузилишини содир этган мансабдор шахсга берилади, учинчиси — давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторида қолади.

Ўзбекистон Республикаси
Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ
инспекцияси тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг
Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси**

**Мехнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
бузилганлиги учун жарима солиш тўғрисида
20__йил «__» _____даги
ҚАРОР**

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 225-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисидаги низомга асосан:

_____га
(мансабдор шахснинг Ф.И.О., уй манзили)

_____ (лавозими, ташкилот номи)

_____учун
(қонун бузилишининг қисқача мазмуни)

_____ микдорида жарима солинсин.

Жарима қўйидаги ҳисоб рақамига ўтказилсин _____

_____ (хулосани тузган мансабдор шахс)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Изоҳлар:

Жарима солиш тўғрисидаги қарор уч нусхада тузилади. Биринчи нусхаси — жарима солинган шахсга, иккинчи нусхаси — ташкилотга, агар жарима ташкилот раҳбарига солинган бўлса — унга мутасаддилик қиладиган юқори ташкилотга берилади. Учинчи нусхаси давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторида қолади.

Жариманинг тўланиши тақдимномани ва (ёки) ёзма кўрсатмани бажариш мажбуриятини ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан озод қилмайди.

Қарорнинг бажарилиши тўғрисида Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига хабар берилади.

Жарима солиниши вақтида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар, шу

жумладан жарима солиш тўғрисидаги қарор юзасидан шикоят бериш (эътироз билдириш), шикоятни (эътирозни) кўриб чиқиш, қарор ижросини вақтинча тўхтатиб туриш, қарорни бажариш тартиби ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда тартибга солинади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 19 февралдаги 29-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
ўз кучини йўқотган қарорлари
РЎЙҲАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисидаги низомни ва Меҳнат шарт-шароитлари давлат экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1993 йил 29 июлдаги 378-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 7-сон, 29-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 16 февралдаги 58-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 2-сон, 4-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1998 йил 23 июлдаги 310-сон қарорига илованинг 6-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 27-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнат шарт-шароитлари давлат экспертизаси тўғрисидаги низомга ва Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 1999 йил 8 февралдаги 60-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 11-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарорига 3-илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 21-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2007 йил 8 майдаги 95-сон қарорига 2-илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 25-модда).